



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ
МАМЛАКАТЛАР БИЛАН
ЎЗАРО МАНФААТЛИ
АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ
ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ
МАСАЛАЛАРИНИ
МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 июль куни қатор хорижий мамлакатларнинг давлат раҳбарлари ва нуфузли сиёсатчилари билан телефон орқали мулоқот қилди.

Хорижий ҳамкорлар давлатимиз раҳбарини таваллуд куни билан самимий муборакбод этиб, Президентимизга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш ва юртимизнинг халқаро нуфузини мустақкамлаш, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган ортага қайтмас ислохотлар дастурини амалга оширишда катта муваффақиятлар тилади.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқотда ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтириш, товар айирбошлаш суръатини таъминлаш ва саноат кооперацияси бўйича муҳим лойиҳаларни илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Худудлараро даражадаги мулоқот ва алмашинуларни самарали давом эттириш муҳимлиги ҳам қайд этилди.

Минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан икки мамлакат ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустақкамлаш ва кўп қиррали амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентлар олий даражадаги келишувлар ижросининг боришини кўриб чиқдилар. Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишига пухта тайёргарлик кўриш муҳимлигига эътибор қаратдилар.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида икки мамлакат етакчи компания ва корхоналарининг саноат кооперацияси бўйича истиқболли лойиҳаларнинг янги портфелини биргаликда ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Қозғонистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқотда етакчилар яхши кўшничлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ҳамда мустақкамлаш масалаларини атрафлича кўриб чиқдилар.

Хукуматлараро комиссиянинг Тошкент шаҳрида ва қўшма Ишчи гуруҳнинг Остона шаҳрида ўтган навбатдаги йиғилишларининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш борасидаги сай-ҳаракатларни давом эттириш, саноат тармоқлари ва инфратузилма соҳасида кооперация лойиҳаларини илгари суриш, шунингдек, қўшма маданий тадбирларни мунтазам ўтказиш орқали фаол гуманитар алмашинуни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди, бўлажак олий даражадаги мулоқотлар режаси кўриб чиқилди.

Қирғиз Республикаси Президенти Садр Жапаров билан суҳбатда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида-

ги яхши кўшничлик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустақкамлашнинг долзарб масалалари қайд этилди.

Саноат, автомобилсозлик, тўқимачилик ва электротехника тармоқларида, энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича ҳамда ҳамкорликнинг бошқа соҳаларида қўшма кооперация лойиҳаларини амалга оширишда эришилаётган натижалар мамнуният билан таъкидланди.

Хукуматлараро комиссия фаолияти доирасида янги савдо ва инвестиция лойиҳалари тўпламини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчилари бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон - Тожикистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустақкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Бўлажак олий даражадаги тадбирларга тайёргарлик кўриш ҳамда икки томонлама муносабатлар кун тартибининг аниқ амалий мазмун билан бойитиш масалалари кўриб чиқилди.

Етакчилар ишбилармонлик ва гуманитар алоқаларни янада фаоллаштириш, жумладан, қўшма кўргазма ва ярмаркалар ўтказиш, ёшларни кенг жалб қилган ҳолда маданий ва спорт тадбирларини уюштириш муҳимлиги ҳақида яқдил фикр билдирдилар.

Минтақавий шериклик, шу жумладан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳат учрашувлари ва Орolni кўтариш халқаро фонди доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан суҳбатда Ўзбекистон - Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши кўшничлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустақкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда амалий ҳамкорлик изчил кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон етакчилари минтақавий кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан суҳлашув чоғида Ўзбекистон - Туркменистон амалий ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Суҳбатда ўзаро савдони кўпайтириш ва иқтисодиётнинг устувор тармоқларида, шу жумладан, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа муҳим йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

"Шовот-Тошовуз" чегараолди эркин савдо зонасини барпо этиш бўйича биргаликдаги ишларнинг илк натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Навоий, Ойбек, Нукус кўчалари

МУНОСАБАТ



ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ХАЛҚНИНГ
ШУУРИДА БИЛИНАДИ

Наргиза МИРЁҚУБОВА, "O'zbekiston bunyodkoti" мухбири.

Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида аҳоли турмуши учун муносиб шароитлар яратилиб, барча қулайликларга эга турар жой массивлари барпо этиляпти. Пойтахтимиз кўз ўнгимизда улкан ўзгариш ва ободликка эгиз тутмоқда. Истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, замонавий саноат объектлари ишга туширилмоқда. Табиийки, бундай ўзгаришлар халқимиз турмуш даражасини яхшилаш, янги иш жойларини яратишдек хайрли мақсадлар рўйбига хизмат қиляпти.

Ислохотларнинг ана шундай натижадорлигини таъминлаш Давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Ўтган ҳафтада икки кун давомида давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳридаги ўзгаришларни кўздан кечирди. Биринчи кун Давлатимиз раҳбари Toshkent city мажмуаси ва "Пахтакор" метро бекати тарафида барпо этилаётган йирик савдо маркази, у ердаги пидедалар ва автомобиллар учун яратилган шароитлар билан танишди. Келгусида ҳаракат янада кўпайишини инobatга олиб, Ботир Зокиров ва Навоий кўчалари кесимида йўл ўтказгич қуриш, пидедалар йўлакларини қулайлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Навоий, Ойбек, Нукус кўчалари

бўйлаб юриб, йўллардаги шароитни кўздан кечирди, одамлар билан суҳбатлашди. Транспорт инфратузилмаси билан боғлиқ яна бир лойиҳа - Тошкент халқаро аэропорти ёнидаги кўприк. Автомобиллар қатновига қулайлиқни ошириш мақсадида у кенгайтирилиб, қўшимча эстакада қурилмоқда. Унинг узунлиги 650, эни 30 метр бўлади. Айланма шаклдаги чиқиш-тушиш йўллари қайрилиб олиш хавфини йўқотиб, ҳаракатни осонлаштиради. Президентимиз у ердаги қурилиш жараёнини кўрди, атрофни кўкаламзорлаштириш, манзарали дарaxтлар экиш кераклигини айтди.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги Абдулла Қодирий ва Кичик халқа йўли орасидаги Элбек боғида бўлиб, бу боғни асраш, аҳолининг

дам олиши учун шароитларни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев "Тошкент-Шарқий" аэропорти қурилишини ҳам бориб кўрди. Бу аэропортнинг умумий майдони 693 гектар. Лойиҳага кўра, унда 4 километр узунликдаги учини-кўнни йўлаги, замонавий терминаллар, самолётлар учун ангар ва перронлар бўлади. Аэропорт ноқулай об-ҳаво шароитларида ҳам учини-кўнни таъминловчи ICAO III-A тоифасидаги замонавий радиотехника ва метеорология асбоб-ускуналари билан жиҳозланади. Бугунги кунда учини-кўнни йўлаги ва юқори мартабали мехмонлар терминали биноси барпо этилган. Президент уларни кўздан кечириб, галдаги қурилиш ишларни амалга ошириш бўйича топшириқлар берди.

Иккинчи кунги эса Сергели ва Олмазор туманларига ташриф буюриб саноат корхоналари фаолияти, маҳалла ҳаёти билан танишди. Таъкидлаш керакики, мамлакатимизда муқобил энергетикани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, қуёш панеллари ўрнатиш бўйича кенг қўламли ишлар бошланган. Бу алюмин профилларга талабни оширмоқда.

Жорий йил май ойида Сергели туманида ташкил этилган "Alutex" масъулияти чекланган жамияти томонидан ойна ва қуёш панеллари учун профиллар тайёрлаш лойиҳаси ишга туширилди. Бу корхо-

на 350 дан ортик турдаги, йилгига 36 минг тонна алюмин профил ишлаб чиқариш қувватига эга. Сергели туманида бўлиш чоғида Давлатимиз раҳбари мазкур корхонадаги иш жараёни ва маҳсулотларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилда Чилонзор туманига ташрифи чоғида "Ориент керамика" корхонасини бориб кўрган, унинг фаолиятини кенгайтириш муҳимлигини айтган эди.

Шундан сўнг Сергели тумани худудида яна бир завод қурилиб, хориждан илгор технология келтириб ўрнатилди. Корхона шу йил июнь ойида фаолият бошлаб, 450 киши иш билан таъминланди. Президент Шавкат Мирзиёев унинг иш жараёни билан танишиб, маҳсулотлар сифатини кўздан кечирди.

Бу лойиҳанинг қиймати 42 миллион АҚШ доллари бўлиб, йилгига 10 миллион квадрат метр кафель ва керамогранит маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотлар деярли юз фоиз маҳаллий хомашдан тайёрланиши боис хорижикидан бир неча баробар арзон. Уларнинг сифатли, турли ранг ва ҳажмда экани бозорболлигини таъминламоқда.

Илгари бундай катта ўлчамдаги керамогранит кафеллар юртимизга импорт қилинар эди. Энди уларнинг ўрнини тўлдириш билан бирга, маҳсулотларнинг ярмини экспорт қилиш ҳам мумкин.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ЎЗARO МАНФААТЛИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

◀ 1-бет

Давлатимиз раҳбари **Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев** билан икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, кооперация лойиҳаларини илгари суриш ва ўзаро савдон кўпайтириш масалаларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси ўтган hafta Озарбайжонга амалга оширган таширининг самарали якунлари ҳамда кўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг Шуша шаҳрида ўтказилган навбатдаги йиғилиши натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Бўлажак олий даражадаги саммитга қадар қатъий келишув ва битимлар тўпламини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Фол маданий-гуманитар алмашинувларни ҳамда халқаро тузимлар доирасидаги яқин ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига унинг таваллуд куни муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан кутловлар келмоқда.

Хорижий ҳамкорлар мамлакатимиз етакчисини самимий кутлар экан, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тилакларини изҳор этмоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Мирмонович!

Сизни таваллуд кунингиз билан чин дилдан қутлайман.

Сиз Ўзбекистон фуқаролари орасида юксак ҳурмат-эҳтиромга сазоворсиз, буни яқинда ўтган Президент сайлови якунлари ҳам тўлиқ тасдиқлади. Сизнинг раҳбарлигингизда мамлакатингиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш йўлидан дадил бормоқда, ўз манфаатларини халқро майдонда самарали ҳимоя қилмоқда.

Сиз мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, турли соҳаларда самарали икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшмоқдасиз.

Ўртаимиздаги илик, дўстона муносабатларни юксак қадрлайман. Бундан буён ҳам икки томонлама, минтақавий ва халқаро кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан биргаликда ишлаймиш.

Сизга, хурматли Шавкат Мирмонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, давлатчилик фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

**Владимир ПУТИН,**  
Россия Федерацияси Президенти

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари,

Таваллуд айёмингиз муносабати билан самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларини билдираман.

Жорий йилнинг май ойида Сиз рафиқангиз билан бирга "Хитой – Марказий Осиё" саммитида иштирок этиш учун Сиань шаҳрида бўлдингиз ва Хитойга давлат таширини муваффақиятли амалга оширдигиниз.

Сиз билан сермахсул музокара ўтказиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича бир қатор муҳим келишувларга эришдик, Хитой – Ўзбекистон кенг қамровли стратегик шериклигининг янги истиқболларини белгилаб олиб, бунга кенг йўл очдик.

Ўзбекистон – Хитой муносабатларини ривожлантиришга катта аҳамият қаратман ва Сиз билан дўстлигимизни юксак қадрлайман. Сиз билан биргаликда астойдил ҳаракат қилиб, турли соҳалардаги ҳамкорликни илгари суришга ҳамда умумий келажак сари Хитой – Ўзбекистон ҳамжамиятини барпо этишга ўз хиссамни қўшишга тайёрман.

Янги Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингиз остида янада катта муваффақиятларга эришишига ишонаман.

Сизга, Жаноби Олийлари, мустаҳкам соғлиқ ва улкан муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

**Си Цзиньпин,**  
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти **Шайх Мансур Ол Наҳаён** билан телефон орқали мулоқотда кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида Шайх Мансур Ол Наҳаён давлатимиз раҳбарига Амирликлар Президенти Шайх Мухаммад Ол Наҳаённинг салом ва энг эзгу тилакларини етказди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон – БАА муносабатлари юксак даражага кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳамжи жадал суръатда ортиб бормоқда, кўшма корхоналар кўпаймоқда. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари портфели 4 миллиард доллардан ошди.

Бўлажак олий даражадаги тadbирларга пухта тайёргарлик кўриш, уларни, энг аввало, иқтисодиёт ва инвестиция соҳалари бўйича янги, амалий мазмун билан бойитиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу маънода, аниқ тақлифлар ва истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун яқин кунларда икки мамлакат

ҳукумат делегацияларининг учрашувларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси **Валентина Матвиенко** давлатимиз раҳбарини туғилган куни билан дилдан қутлаб, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва янги муваффақиятлар тилади.

Суҳбатда Ўзбекистон – Россия дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг мустаҳкамланишига хизмат қилаётган парламентлараро мулоқотлар фаол қеаётгани мамнуният билан қайд этилди.

**Қозғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев** Ўзбекистон Президентини таваллуд куни билан самимий муборакбод этиб, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва катта муваффақиятлар тилади.

Суҳбатда Ўзбекистон билан Қозғистон ўртасидаги яхши кўшнчилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида бугун юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

\*\*\*

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент, азиз қардошим!

Таваллуд кунингиз билан чин қалбимдан муборакбод этиб, Яратгандан Сизга сийҳат-саломатлик ва осойишталик ичра узоқ умр насиб қилишини тилайман.

Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги чуқур илдиз отган дўстлик ҳамда қардошлик алоқалари тобора чуқурлашиб бораётганидан бағоят мамнунман.

Сиз билан биргаликда кенг қамровли стратегик шериклик даражасига олиб чиққан муносабатларимиз ва ҳамкорлигимиз келгусида ҳар соҳада мустаҳкамланишида давом этишига ишончим комил.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сийҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақият ёр бўлишини тилаб, дўст ва қардош Ўзбекистон халқининг фаровонлиги учун олиб бораётган ишларингизда омадлар тилаб қоламан.

**Режеп Таййип ЭРДОҒАН,**  
Туркия Республикаси Президенти

\*\*\*

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари!

Олтимиш олти ёшга тўлганингиз муносабати билан энг самимий тилакларини изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, таваллуд куним муносабати билан йўллаган мактубингиз учун Сизга ташаккур билдираман.

Сизнинг Италияга таширининг давомида ишонч ҳосил қилганимиздек, мамлакатларимиз чинакам дўстлик ва ҳамкорлик ришталари билан узвий боғланган, бу халқро миқдсади мураккаб ва долзарб масалаларни ҳал этиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонга ташир билан келиш имкониятини кутар эканман, Сизни, Президент жаноблари, яна бир бор туғилган кунингиз билан дилдан табриклайман ва бахт-саодат тилайман.

Энг эзгу тилаклар ила,

**Сержо МАТТАРЕЛЛА,**  
Италия Республикаси Президенти

\*\*\*

Куйидагилар ҳам ўз табрикларини йўллаган:

Қозғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**, Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**, Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**, Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов**, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимухамедов**,

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**, Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши **Валентина Матвиенко**, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Михаил Мишустин**, Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири Шайх **Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**,

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош қотиби **Чжан Мин**, Туркий давлатлар ташкилоти бош қотиби **Кубаничбек Омуралиев**. Кутловлар келишда давом этмоқда.

# ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ХАЛҚНИНГ ШУУРИДА БИЛИНАДИ

◀ 1-бет

Давлатимиз раҳбари ушбу корхона тажрибаси асосида янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кўрсатма берди. Шу ернинг ўзида Тошкент шаҳри туманлари хоҳимлари билан мулоқот бўлди. Улар тadbиркорлик, бандлик, бунёдкорлик лойиҳалари юзасидан ахборот беришди.

Шу куннинг ўзида Президентимиз Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги Хастимом маҳалласида ҳам бўлди. Бу ерда 1 минг 500 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг кўпчилиги хунармандчилик ва савдо билан шуғулланади.



– Давлатимиз раҳбари биздан жойида қарор қабул қиладиган, кўрқмасдан, масулиятни зиммасига оладиган ҳоким бўлишни талаб этипти. Замонавий, янгича фикрлайдиган, яъни аввалги замонларда бўлгани каби қозғозболик ёки кабинетда ўтириб бошқариш тизимларидан мулқоқ қочиб, керак бўлса, кўчама-кўча, маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, халқ билан ёнма-ён юришни талаб этиптилар. Чунки, халқнинг орасида бўлсангиз дардини билиш, унинг дардига малҳам бўлиш мумкин, – деди Бектемир тумани ҳокими Топил Мухаммадиев.

– Давлатимиз раҳбари Муҳаммадиев. – Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги халқ кечаги халқ эмас. Кечаги ҳокимлар бугунги ҳоким эмас. Бу дегани замон билан ҳамнафас бўлиб, халқимизни рози қилиш йўлида керак бўлса жонини фидо қилиб, мулоқотда бўладиган ҳокимлар керак ҳозир замонамизга. Президентимиз икки кунлик ташир давомида светoфорнинг қизил чироғида тўхтаб, пиёдани ўтказиб юбориб, халқнинг орасига кириб бормоқда. Буни фуқаролар кўриб турибди. Давлат раҳбари шундай хайрли ишни бажараётганидан кейин, биз ҳокимлар ҳам ўз ишимизга виждонан ёндошган ҳолда давлат раҳбаридан ўрнак олиб, фаолиятимизни олиб боришимиз керак. Инвесторларга шарт-шароитлар яратиб бериш, коррупцияни таг-томири билан қуритиб ташлаш бизнинг вазифамиз. Инсон сифатида ўйлаб кўринг, катта бир инвестицион лойиҳангиз бор. Бунга миллиардлаб пул сарфламоқчисиз. Унинг орқасидан халқни иш билан таъминлаш мақсад қилинган. Бунинг ортида эса ўзимиз ўзимизга бюрократик тўсиқ қўялмиш. Коррупция, порахўрлик каби омилларни олдини олиш, ўз виждон амримизга мос равишда иш кўриш борасида Давлатимиз раҳбари биз билан очик мулоқот ўтказдилар.

бўйича маълумот ва тақдимотларни намоён этдик. Охириги видеоселектор йиғилишида ҳам ҳар бир туманга 200 миллион АҚШ долларлик кўшимча инвестиция олиб келиш мажбурияти бўйича вазифалар белгилаб берилган эди. Бу бўйича ҳам ҳисоб тақдим этдик. Ушбу кўшимча инвестицияларнинг киритилиши ўз навбатида ишсиз аҳоли учун янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодий фаоллик ва экспорт салоҳиятини ошириш кўзда тутилган. Бунинг ортидан банд бўлмаган аҳоли иш билан таъминланади. Аҳолига шунингдек, ўз уйига яқин бўлган ҳудудда иш топиши учун шароитлар яратила-

ди. Инвестицион лойиҳалар асосида Янгиҳаёт туманида 210 гектар майдонда Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан технопарк ташкил этилган. Бу ҳам ана шу кўшимча инвестицион маблағни келтиришимиз учун яна бир имконият ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур ҳудудда қурилиш-монтаж ишларини олиб бормоқдамиз. Келгуси йили бу санат зонасида 5 мингга яқин янги иш ўрни яратилади. 20 минг тadbиркор орасида бўлсангиз дардини билиш, унинг дардига малҳам бўлиш мумкин, – деди Бектемир тумани ҳокими Топил Мухаммадиев.

– Давлатимиз раҳбари Муҳаммадиев.

– Давлатимиз раҳбари Муҳаммадиев. – Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги халқ кечаги халқ эмас. Кечаги ҳокимлар бугунги ҳоким эмас. Бу дегани замон билан ҳамнафас бўлиб, халқимизни рози қилиш йўлида керак бўлса жонини фидо қилиб, мулоқотда бўладиган ҳокимлар керак ҳозир замонамизга. Президентимиз икки кунлик ташир давомида светoфорнинг қизил чироғида тўхтаб, пиёдани ўтказиб юбориб, халқнинг орасига кириб бормоқда. Буни фуқаролар кўриб турибди. Давлат раҳбари шундай хайрли ишни бажараётганидан кейин, биз ҳокимлар ҳам ўз ишимизга виждонан ёндошган ҳолда давлат раҳбаридан ўрнак олиб, фаолиятимизни олиб боришимиз керак. Инвесторларга шарт-шароитлар яратиб бериш, коррупцияни таг-томири билан қуритиб ташлаш бизнинг вазифамиз. Инсон сифатида ўйлаб кўринг, катта бир инвестицион лойиҳангиз бор. Бунга миллиардлаб пул сарфламоқчисиз. Унинг орқасидан халқни иш билан таъминлаш мақсад қилинган. Бунинг ортида эса ўзимиз ўзимизга бюрократик тўсиқ қўялмиш. Коррупция, порахўрлик каби омилларни олдини олиш, ўз виждон амримизга мос равишда иш кўриш борасида Давлатимиз раҳбари биз билан очик мулоқот ўтказдилар.

– Давлатимиз раҳбари Муҳаммадиев. – Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги халқ кечаги халқ эмас. Кечаги ҳокимлар бугунги ҳоким эмас. Бу дегани замон билан ҳамнафас бўлиб, халқимизни рози қилиш йўлида керак бўлса жонини фидо қилиб, мулоқотда бўладиган ҳокимлар керак ҳозир замонамизга. Президентимиз икки кунлик ташир давомида светoфорнинг қизил чироғида тўхтаб, пиёдани ўтказиб юбориб, халқнинг орасига кириб бормоқда. Буни фуқаролар кўриб турибди. Давлат раҳбари шундай хайрли ишни бажараётганидан кейин, биз ҳокимлар ҳам ўз ишимизга виждонан ёндошган ҳолда давлат раҳбаридан ўрнак олиб, фаолиятимизни олиб боришимиз керак. Инвесторларга шарт-шароитлар яратиб бериш, коррупцияни таг-томири билан қуритиб ташлаш бизнинг вазифамиз. Инсон сифатида ўйлаб кўринг, катта бир инвестицион лойиҳангиз бор. Бунга миллиардлаб пул сарфламоқчисиз. Унинг орқасидан халқни иш билан таъминлаш мақсад қилинган. Бунинг ортида эса ўзимиз ўзимизга бюрократик тўсиқ қўялмиш. Коррупция, порахўрлик каби омилларни олдини олиш, ўз виждон амримизга мос равишда иш кўриш борасида Давлатимиз раҳбари биз билан очик мулоқот ўтказдилар.

# Ҳар бир мурожаат ўз вақтида ҳал этилмоқда

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 19 июндаги ПҚ-5152-сонли қарорига биноан, ЖЭКлар ўрнида кўп қаватли турар жойларда яшовчиларга хизмат кўрсатувчи компаниялар ташкил этилмоқда. Очигини айтиш керак, бу янгиликка киришилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ тadbиркорлик хали иш юритиб, уйларни таъмирлаш, ички кўчалар ва ён-атрофни ободонлаштириб, фуқароларга қулай шароитлар яратиб бераётган компаниялар аллақачон эътиборга тушди. Ҳаттоки, бу борада эришилган айрим ютуқлар омалаштирилмоқда. Кўринадики, бундан кейин ушбу соҳадаги аҳвол тубдан ўзгаришига асос бор.**

Лекин "шаф-шаф", дегани билан шафтоли пишвермас экан. Кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш борасида аввалги аҳвол қандай эдию, компаниялар фаолияти йўлга қўйилган, нималар ўзгарди, соҳада қандай лойиҳалар қўлланилаётгани натижасида турмуш фаровонлиги яхшиланаётганини ханузгача ҳис қилаётган фуқаролар учраб турибди. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, эскича ишлашни кўмсаетганларнинг аксарияти йиллар давомида коммунал тўловларни ўз вақтида тўламасдан, қарадорлик юзага келишига "ҳисса" қўшиши

натижасида собиқ ширкатлар раҳбарларига тобе бўлиб қолган ва уларнинг измидан чиқмаётди.

Айнан шу сингари масалаларга барҳам бериш ва муаммоларни ўрнида бартараф қилиш учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева ҳамда вазириликнинг бошқа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан доимий равишда бу борадаги ишлар таҳлилий ўрганилиб, ютуқ ва тажрибаларни умумлаштириш, тушуновчиликларга аниқлик киритиш ва фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш

мақсадида ҳафтанинг ҳар жума куни раҳбарият қабули ўтказилиб келинмоқда.

Навбатдаги қабул жараёнида қатнашиб, ана шундай мурожаатларнинг баъзиларини тингладик.

Энг аввало, Шайхонтоҳур туманидаги "Белтепа" маҳалла фуқаролар йиғинидан келган бир гуруҳ кишиларнинг мурожаати бўйича қабул қилинди. Улардан бири 5-кўп қаватли уйда ўн йилдан ортиқ уй бошлиғи бўлиб ишлаган экан. Унинг айтишича, компания шаклида иш бошланганидан буён йиллар давомида эътибордан четда қолган уйларнинг ертўларидан тортиб, йўлақлари, ён-атрофи тартибга келтириляпти. Таъмирлаш ишлари босқичма-босқич олиб борилиб, болаларга спорт майдончалари қуриб берилмоқда. Ана шундай ҳаракатлар амалга оширилаётган бир пайтда собиқ ширкат раҳбари ўз атрофида одамларни тўллаб, тўскинлик қилаётгани учун бу масала юзасидан туман ҳокимлигига мурожаат қилинган. Мурожаатда ханузгача тегишли чоралар қўрилмаётгани айтилди.

Бу масала юзасидан вазир ўринбосари Озода Жўраева фикр билдириб, айрим фуқаролар давлатимиз томонидан яратиб берилётган шароитларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англамагани ёки ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишмагани туфайли шундай ҳолатлар учраб турганини

таъкидлади. Вазир ўринбосари тегишли ташкилотлар билан боғланган, масала ўз ўрнида ҳал қилинди ва ушбу ҳудуд назоратга олинди.

Кейинги мурожаатчи Чилонзор туманидан келган фуқаро экан. Унинг айтишича, компания томонидан коммунал тўловларда ҳисоб тизими очилгани ва ҳар бир хонадон учун алоҳида ҳисоб рақами юритилаётгани аҳолига анча қулайлик яратмоқда. Шунингдек, уйларни таъмирлаш ишлари тез, сифатли бажариляпти. Мурожаатда иккита уйда чироқлар ён-маслиги, ертўладаги эскирган қувурларни янгилаш ва бошқа коммуникация ишларини бажариш лозимлиги айтилиб, собиқ ширкат раҳбаридан барчасини тўлиқ қабул қилиб олиш жараёнида бошқарув компанияси учраётган тўсиқларга барҳам бериш сўралди.

Ишчи гуруҳи шу жойнинг ўзида собиқ ширкат раҳбари билан боғланди ва масала ижобий ҳал этилди.

Бундан ташқари, Учтепа тумани "Ўрикзор-1" МФЙ, Янгиҳаёт туманидаги "Бунёдкор" МФЙ, Шайхонтоҳур туманидаги "Янги белтепа сервис" компанияси ва Тошкент шаҳрининг бошқа ҳудудларидан келган фуқароларнинг мурожаат ҳамда муаммолари кўриб чиқилди. Мурожаатларнинг айримлари шу куннинг ўзида жойига чиқиб ўрганилди.



Суратлар president.uz сайтидан олинди.

## 27 та шаҳар ва туман сейсмик микрохудоудлаштириш харитасига эга

Райҳона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 майдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 158-сонли қарорида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Сейсмология институти олимлари томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Сейсмик микрохудоудлаштиришнинг асосий мақсади – шаҳар ҳудудида сейсмик хавфни ва бино-иншоотлар инфраструктурага сейсмик таъсири билан раҳбар ва муҳандис кўрсаткичларида микрохудоудлар бўйича баҳолаш ҳамда хариталашдан иборат. Бу шаҳарсозлик учун муҳим бўлган сейсмик мустаҳкам қурилиш ишларини олиб бориш асоси ҳисобланади.

Шаҳарлар бош режасини ишлаб чиқишда сейсмик микрохудоудлаштириш катта ўринга эга бўлиб, бу нафақат сейсмомбардош бино-иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш, балки шаҳарни сейсмик даражаси пастроқ ҳудудларда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш имконини ҳам беради.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистондаги 27

та йирик шаҳар ва туманлар сейсмик микрохудоудлаштириш харитасига эга. Яъни, 1785 кв км ҳудуд сейсмик даражаси 9 баллгача ва ундан юқори бўлган микрохудоудларга ажратилган. Улар шаҳарларни ижтимоий ва иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди. Аммо бу хариталар 40 йил аввал тузилганлиги сабабли ва замонавий қурилиш технологиялари талабига жавоб бермаганлиги учун ҳам бугун олимлар томонидан уларнинг замонавий илмий қарашларга асосланган ҳолда такомиллаштирилган сейсмик микрохудоудлаштириш технологияси ишлаб чиқилди. Айна пайтада бу технология амалиётга жорий этилмоқда.

Ушбу технологияни қўллаган ҳолда 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти олимлари томонидан юртимизнинг 584 85 км2 майдони, яъни 3 та йирик шаҳри – Андижон, Наманган ва Фарғонанинг сейсмик микрохудоудлаштириш он-

лайн хариталари яратилди. Булар лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотлари учун бино-иншоотларни сейсмик хавфсизлигини таъминлашга асос бўлмоқда.

2023 йилда эса институт олимлари томонидан 15 та йирик шаҳар – Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Жиззах, Гулистон, Термиз, Нурафшон, Олмалиқ, Зарафшон, Шаҳрисабз, Чирчиқ, Янгиер, Янгийул шаҳарлари умумий майдони қарийб 2100 кв км бўлган ҳудудда сейсмик микрохудоудлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Олинган натижалар, яъни шаҳарларнинг сейсмик микрохудоудлаштириш хариталари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотлари фаолиятида кенг қўлланилади. Сейсмик микрохудоудлаштириш хариталаридан фойдаланишда қўлайликлар яратиш мақсадида вазирликнинг электрон платформасида рақамлаштирилган хариталар жойлаштириб борилмоқда.

## Тахиатошда қуёш фотоэлектр станцияси ишга тушди

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Тахиатош иссиқлик электр станциясида қуввати 1040 кВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясининг қурилиши якунланди, тўлиқ ишга туширилди.

Президентимизнинг жорий йил 16 февралдаги "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида "Иссиқлик электр станциялари" акциядорлик жамияти ва соҳадаги корхоналарда электр самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, инновацион ривожланишни жадаллаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича кенг қўлланма ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу фотоэлектр станциясига монокристалл шаклдаги 1500 дан зиёд панель ўрнатилган бўлиб, "On Grid" режимида ишлашга мўлжалланган. Бу энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этиш орқали корхонанинг ўз эҳтиёжи учун сарфланган электр энергиясини қуёш фотоэлектр станциясининг ёрдамида қоплаш режалаштирилган. Яшил фотоэлектр станциясининг ишга туширилиши билан йилга қўшимча 1,8 млн кВт соат атрофида электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бунинг натижасида суткасида 7 000 кВт соат электр энергияси ва йилга 400 минг куб метр табиий газнинг тежалишига эришилади. Шунингдек, фотоэлектр станцияси томонидан ишлаб чиқарилган электр энергияси энг ками-



да 500 та хонадонни электр энергияси билан таъминлашга етади.

Бундан ташқари, станциядаги йирик энергия қурилмаларининг электродвигателларига частотани тартибга солувчи қурилмалар, 380 донга қуёш панелига қўча ёриткичлари ва иморатларга 260 донга ҳаракат датчиги ўрнатилиб, 253,2 минг кВт соат электр энергияси тежалишига эришилмоқда. Шунингдек, сизими 2 800 литрга тенг бўлган қуёш сув иситкичи ўрнатилиб, станциядаги ювенил хоналари тўлиқ қуёш сув иситкичига ўтказилади. Бугунги кунгача сув иситкичларнинг ўрнатилиши натижасида 35,4 минг куб метр табиий газ ёки 255,4 Гкал иссиқлик энергиясининг тежалишига эришилди.

Айна пайтада корхонада энергия тежовчи ускуналари кенг жорий этиш мақсадида тадбирлар ишлаб чиқилган. Яъни, қуввати 90 Втлик 250 донга ва 150 Втлик 130 донга, 27 донга частотани тартибга солувчи қурилма ва 100 донга ҳаракат (сенсор) датчигини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

## Андижоннинг "Швейцарияси"

Аҳмадjon АБДУРАҲМОнов, Бахтиёрjon МИРЗАЕВ, Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти ўқитувчилари.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонимизда амалга ошириладиган ислохотлар туфайли Андижон вилоятининг Хонобод шаҳри ҳам янада кўркамлашиб, жозибадорлиги ортиб бормоқда. Аслида ҳам, Андижон "Швейцарияси" деб аталган бу маскан кейинги йилларда жуда гўзал қиёфага кириб, вилоятнинг энг асосий дам олиш масканларидан бирига айланиб улгурди. Шаҳарнинг туризм салоҳиятини янада ошириш учун Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти томонидан ҳам бир қатор амалий ишлар бажариладиганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.



туркиялик қурувчилар томонидан 69 миллион доллар эвазига яна бир йирик туризм мажмуаси – "Янги Ўзбекистон" денгизи қурилмоқда. Олти босқичда амалга ошириладиган ушбу денгиз қурилиши якунлангач, тадбиркорлар томонидан унинг атрофида дам олиш масканлари ҳам барпо этилиши мўлжалланган. Хусусан, дам олиш ҳудудида сув усти ресторани, болалар майдончалари ва шаҳар кутубхонаси, манзарали ўрмон ҳудудида ресторан, кафе ва кичик савдо дўконлари бўлади. Шаҳар ҳудудида, актив майдонда турли уйин майдончалари, лабиринт ўрмонлар, табиат бўйлаб сайр қилиш жойлари, 400 та ҳоббит уйи, меҳмонхоналар, кичик биологик ҳовуслар ва ресторани қурилади. Бундан ташқари, кумли ва тошли пляжлар, сузиш жойлари ва аквапарк ҳам лойиҳада ҳисобга олинган.

Андижон вилояти, жумладан, Хонобод шаҳрининг туризм салоҳиятини ошириш борасида кўпчилик ташкилотлар қатори вилоят, шаҳар ҳокимликлари раҳбарлигида Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институтининг профессор ўқитувчилари ҳамда талабалари ҳам узларининг амалий кўмагини аямая келяпти. Хусусан, 2022-2023 ўқув йили давомида институт профессор ўқитувчилари ва талабалари ректорат томонидан тасдиқланган иш режасига асосан, Хонобод шаҳрининг туристик салоҳиятини ошириш, уни ободонлаштиришга ҳисса қўиши, бу масканда турли тадбирларни ўтказиш борасида қатор ишларни бажаришди. Шунингдек, талабаларнинг турли спорт тадбирлари ҳам асосан Хонобод шаҳрида ўтказилиши аънамага айланиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти томонидан Хонобод шаҳрининг туристик салоҳиятини ошириш ҳамда экотуризмни ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ишлар аънавий тус олиб бормоқда.

## Замонавий марказлар иш бошлади

Шаҳноза МАМАТУРОВА, журналист.

Президентимизнинг жорий йил 13 апрелдаги "2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан Тошкент вилоятида 1 майдан амалий ҳаракатлар бошланди. Яъни, аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида Олмалиқ, Чирчиқ, Нурафшон ва Янгийул шаҳарларида "Ипотека хизматлари кўрсатиш марказлари" фаолияти йўлга қўйилди.

Уларга бириктирилган малакали мутахассислар уй-жойга эҳтиёжи бор фуқароларга ҳуқуқий кўмак беради. Шунингдек, марказдан вилоят бўйлаб қуриладиган кўп квартиралы уй-жойлар тўғрисида тўлиқ маълумот ҳамда давлат бюджетидан субсидия ва ипотека кредитлари бўйича маслаҳатлар ҳам олиш мумкин.

Энг асосийси, мурожаатчиларга уй сотиб олиш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришда, ипотека кредитлари ажратилиши ҳамда фойзаларини сўндириш билан боғлиқ ҳужжат ишларида ҳам амалий кўмак берилади.

## "UNIPOLIS" АЖ СУГУРТА ТАШКИЛОТИ

акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида ХАБАРНОМА

"UNIPOLIS" акциядорлик жамияти сугурта ташкилоти овоз берувчи акциядорларнинг беш фоизидан ортиғига эгаллик қилувчи акциядорнинг 2023 йил 24 июлдаги ёзма талабига асосан жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2023 йил 18 август кунини Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ломоносов кўчаси, 50-уй, "UNIPOLIS" AJ ST маъмурий биносида ўтказилади.

Йиғилиш соат 11.00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.00 дан бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2023 йил 14 август ҳолатига тузилади.

Электрон почта манзили: info@unipolis.uz

### Йиғилиш кун тартиби:

- "UNIPOLIS" АЖ сугурта ташкилоти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
- "UNIPOLIS" АЖ сугурта ташкилотининг Кузатув кенгаши аъзоларини янги таркибни сайлаш.
- "UNIPOLIS" АЖ сугурта ташкилотининг 2023 йил биринчи ярим йиллиги натижаларини қўриб чиқиш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларига эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишида қўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Жамият маъмурий биносида ушбу эълон берилган санадан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10.00 дан 17.00 гача танишишлари мумкин.

## Правительство Республики Узбекистан

получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:

Номер пакета	Наименование объекта	Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы	Срок строительства
MOEI-RIDP-SYR-W-26	Строительство пешеходного моста в МСГ "Юксалиш" ("Озодлик"), реконструкция и текущий ремонт трубчатых переходов в МСГ "Дустлик" Баяутского района Сырдарьинской области	225 171 121 сум без НДС	30 календарных дней

### ГУП "Служба единого заказчика" при Сырдарьинском областном хокимияте

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка" и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по представлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Сумма для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов договорная.

**Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области**  
Адрес: Сырдарьинская обл., г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж).  
Тел.: 67-227-64-48. Факс: 67-227-64-42.  
E-mail: tender-12@mail.ru

**Получатель:** Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области  
**Банковские реквизиты:**  
р/с: 2021 0000 3038 3676 6001 Сырдарьинский ф-л НБУ ВЭД  
ИНН: 202 585 476  
МФО: 00363

Тендерные предложения должны быть действительными в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться банковской гарантией согласно инструкциям, изложенным в тендерной документации.

Номер контракта	Наименование объекта	Залоговое обеспечение
MOEI-RIDP-SYR-W-26	Строительство пешеходного моста в МСГ "Юксалиш", реконструкция и текущий ремонт трубчатых переходов в МСГ "Дустлик" Баяутского района Сырдарьинской области	4 503 422 сум

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16.00 (по ташкентскому времени) 11 августа 2023 г., где они будут открыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Заподзавшие предложения будут отклонены. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Адрес для подачи предложений:** Консалтинговый центр по организации тендерных торгов в строительстве по Сырдарьинской области.

**Адрес:** Сырдарьинская обл., г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж).

**Тел.:** 67-227-64-48. **Факс:** 67-227-64-42.

**E-mail:** sirdaryotender20@gmail.com

**Ответственный представитель консалтингового центра:** Алишер Сангирров.

ТА'ЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

## Seysmik xavfsizlikni ta'minlash ishlari jadallashtirilmoqda

Mavlonov nomidagi Seysmologiya institutida O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi vitse-prezidenti S. Mirzayev raisligida kuchli zilzilalar ta'sirida Toshkent shahrining ta'rif darajasini iqtisodiy baholash imkonini beruvchi raqamlashtirilgan simulyatsion model yaratishga bag'ishlangan yig'ilish bo'lib o'tdi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 16-maydagi "O'zbekiston Respublikasi aholisi va hududining seysmik xavfsizligini ta'minlash tizimini yanada takomillashtirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-158-sonli qarori ijrosini samarali tashkil etish maqsadida tashkil etilgan tadbirda Toshkent Arxitektura-qurilish universiteti strategik rivojlantirish bo'yicha birinchi prorektor (rektor v.v.b.) B. Tulaganov, Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligi mutaxassislari, M. O'rozboyev nomidagi Mexanika va inshootlar seysmik mustahkamligi instituti va boshqa tashkilotlar mas'ullari qatnashishdi. Joriy etilishi ko'zda tutilgan simulyatsion model Toshkent shahrida qurilgan barcha bino va inshootlarning seysmobaradoshlik bo'yicha ma'lumotlar bazasini yaratish va ularni GIS platformasiga joylashtirishni ta'minlaydi. Bundan tashqari, simulyatsion model ma'lumotlar bazasidagi bino va inshootlarning seysmik jihatdan zaifligini hamda ularning kuchli zilzilalarga to'la shikastlanish qiymatlarini aniqlash imkonini beradi. Shuningdek, loyiha doirasida Toshkent shahri hududida sodir bo'lish ehtimoli yuqori bo'lgan zilzila o'choqlarining seysmik xavfini, kuchli zilzilalar sodir bo'lgan taqdirda shaharda qurilgan bino va inshootlarning buzilish darajasini baholash bo'yicha dastur ishlab chiqiladi.

Yig'ilishda seysmik xavfsizlikni ta'minlash tizimini yanada takomillashtirish maqsadida olib borilayotgan o'zaro hamkorlik natijalari, shuningdek, kelgusida amalga oshirilishi lozim bo'lgan vazifalar to'g'risida o'zaro fikr almashildi. Ma'lumot uchun, Prezident qaroriga binoan Toshkent arxitektura-qurilish universitetida zilzila ta'sirida gruntni mustahkamligi va deformatsiyalanishini, fizik-mexanik xossalari, murakkab grunt sharoitlarida bino va inshootlarni loyihalash hamda poydevorlar qurilishini tadqiq etishga mo'ljallangan "Gruntni mexanikasi, zamin va poydevorlar" o'quv-ilmiy laboratoriyasi tashkil etilishi ko'zda tutilgan.



Yig'ilishda seysmik xavfsizlikni ta'minlash tizimini yanada takomillashtirish maqsadida olib borilayotgan o'zaro hamkorlik natijalari, shuningdek, kelgusida amalga oshirilishi lozim bo'lgan vazifalar to'g'risida o'zaro fikr almashildi. Ma'lumot uchun, Prezident qaroriga binoan Toshkent arxitektura-qurilish universitetida zilzila ta'sirida gruntni mustahkamligi va deformatsiyalanishini, fizik-mexanik xossalari, murakkab grunt sharoitlarida bino va inshootlarni loyihalash hamda poydevorlar qurilishini tadqiq etishga mo'ljallangan "Gruntni mexanikasi, zamin va poydevorlar" o'quv-ilmiy laboratoriyasi tashkil etilishi ko'zda tutilgan.

Yig'ilishda seysmik xavfsizlikni ta'minlash tizimini yanada takomillashtirish maqsadida olib borilayotgan o'zaro hamkorlik natijalari, shuningdek, kelgusida amalga oshirilishi lozim bo'lgan vazifalar to'g'risida o'zaro fikr almashildi. Ma'lumot uchun, Prezident qaroriga binoan Toshkent arxitektura-qurilish universitetida zilzila ta'sirida gruntni mustahkamligi va deformatsiyalanishini, fizik-mexanik xossalari, murakkab grunt sharoitlarida bino va inshootlarni loyihalash hamda poydevorlar qurilishini tadqiq etishga mo'ljallangan "Gruntni mexanikasi, zamin va poydevorlar" o'quv-ilmiy laboratoriyasi tashkil etilishi ko'zda tutilgan.

## Talabalar amaliyoti qizg'in o'tmoqda

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 8-noyabrda "Arxitektura-qurilish sohasida kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-416-sonli qarorining 2-ilovasi, universitetni transformatsiya qilish va kompleks rivojlantirish bo'yicha "Yo'l xaritasi"ning 10-bandida talabalar amaliyoti o'tash imkoniyatlarini kengaytirish, ular uchun yetakchi tarmoq korxonalari va tashkilotlarida amaliyot o'tash imkoniyatlarini yaratish masalalari belgilangan.

Mirzo Ulug'bek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish universiteti O'quv ishlari bo'yicha prorektori Murodjon Xodjabekov va Muhandislik kommunikatsiyalari qurilishi fakulteti dekani Bahodir Norqulov hamda Iссиqlik gaz ta'minoti, ventilyatsiya va sersis kafedrasini muftun Uzboveylar talabalarining 2022-2023 o'quv yili amaliyotlarini o'tash jarayonlari bilan yaqindan tanishdilar. Xususan, mutaxassislar Samarqand viloyati "Issiqlik manbai" DUKga qarashli RK-1 qozonxonasi

va Samarqand shahargaz filiali Avriya dispetcherlik xizmati bo'limida bo'lib, amaliyot jarayonini kuzatishdi. Shuningdek, tanishuv jarayonida hozirgi kundagi amaliyot o'tash imkoniyatlari, yaratilgan shart-sharoitlarni o'rganish, tashkilot tomonidan iqtidorli talabalarga istiqbolida o'z ish o'rinlarini topish, amaliyot davrida ularni mavsumiy ishlarga jalb qilgan holda mehnatga haq to'lash masalalari ko'rib chiqildi. Bundan tashqari, keyinchalik ishga qabul qilish imkoniyatini ko'rib chiqish va yo'lga qo'yish kabi jarayonlarni korxon rahbarlari bilan muhokama etishdi.

O'z muxbirimiz.

## ДХХ Раиси кубоги мусобақаси ташкил этилди

Абдулазиз ХУЖАКОВ, Халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутати, "Шодлик" МФЙ ҳоким ёрдамчиси.

Ёшлар қудратли давлатимизнинг эртанги кунни, Янги Ўзбекистонимизнинг пойдевори саналади. Зеро, ularning соғлом ва қомил инсон бўлиб вояга етиши мамлакат истиқболини белгилаб беради. Шу маънода, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан илгари сурилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини ҳаётга жорий этишда Давлат хавфсизлик хизмати ҳам ўзининг сезиларли ҳиссасини кўшиб келмоқда.



Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси ДХХ ташаббуси билан республиканинг барча туман, шаҳар ва вилоятлари кесимида ишсиз ҳамда кам таъминланган ёшлар ўртасида спортнинг футбол тури бўйича ДХХ Раиси кубоги мусобақаларининг ташкил этилиши ҳам катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Жиззах вилоятининг "Сўғдиёна" марказий ўйингоҳида мусобақанинг вилоят финал босқичи бўлиб ўтди. Унда Жиззах шаҳрининг "Турон" МФЙ ҳамда Шароф Рашидов туманининг "Тоқчилик" МФЙ жамоаларининг финал учрашуви ўтказилди. Мусобақа сўнггида "Турон" МФЙ жамоаси фахрли 1-уринни эгаллаб, Республика босқичига йўланмани кўлга киритди. Бир сўз билан айтганда, ўтказилган ушбу мусобақалар ёшларнинг ўз иқтидорларини намойиш этиши учун яна бир имкониятдир. Таъкидлаш лозимки, ДХХ Раиси кубогини ўтказишдан кўзланган мақсад – ёшлар орасида спортни оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, ularни ватанга садоқат руҳида тарбиялашдан иборат.

Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси ДХХ ташаббуси билан республиканинг барча туман, шаҳар ва вилоятлари кесимида ишсиз ҳамда кам таъминланган ёшлар ўртасида спортнинг футбол тури бўйича ДХХ Раиси кубоги мусобақаларининг ташкил этилиши ҳам катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Жиззах вилоятининг "Сўғдиёна" марказий ўйингоҳида мусобақанинг вилоят финал босқичи бўлиб ўтди. Унда Жиззах шаҳрининг "Турон" МФЙ ҳамда Шароф Рашидов туманининг "Тоқчилик" МФЙ жамоаларининг финал учрашуви ўтказилди. Мусобақа сўнггида "Турон" МФЙ жамоаси фахрли 1-уринни эгаллаб, Республика босқичига йўланмани кўлга киритди. Бир сўз билан айтганда, ўтказилган ушбу мусобақалар ёшларнинг ўз иқтидорларини намойиш этиши учун яна бир имкониятдир. Таъкидлаш лозимки, ДХХ Раиси кубогини ўтказишдан кўзланган мақсад – ёшлар орасида спортни оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, ularни ватанга садоқат руҳида тарбиялашдан иборат.

## Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Июль ойининг сўнгги кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Пудрат бозори ва қурилиш индустриясини ривожлантириш бошқармаси бўлим бошлиғи **Таир Алимов**, Ичимлик ва оқова сув тизимларини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари **Джамшидхўжа Дурходжаев**, Котибиат мудири **Шерзод Мухидов**, Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими етакчи мутахассиси **Мадина Мамадалиева**, Хўжалик ишлари бўлими хўжалик мудири **Акрам Бегимкулов**, Хўжалик ишлари бўлими хайдовчиси **Исмоил Бадалов**, хизмат хоналари фарроши **Муборак Мираҳмедова**, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи инспектори **Туйғун Эргашев**, Архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими бош мутахассиси **Ғолиб Маджидов**,

"Шахарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК АКТ бўлими бош мутахассиси **Илёмжон Эрматов**, етакчи мутахассислар **Санжар Абдураҳмонов** ва **Сарвиноз Файзуллаева**, Мухандислик тармоқлари бўлими бошлиғи **Хашимжон Авазов**, "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ ҳодимлар бўйича менежер **Шоҳсанам Юлчиева**, "Ташгирого" АЖ Электр таъминоти сектори 1-тоифали муҳандиси **Тимур Лапшов**, Смета бўлими 3-сектор муҳандиси **Абдушукр Абдуғаниев**, Смета бўлими муҳандиси **Мухаммадали Жураев**, Фойдаланиш ва техник бўлим хайдовчиси **Эркин Икромов**, 4-сон Архитектура-қурилиш сектори муҳандиси **Светлана Казарян**, 1-сонли дизайн сектори мудири (ГИП) **Найля Влиева**, Самарқанд вилояти, Нарпай тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Қандин Ҳақимов**, Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш бўлиmlари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Жасурбек Исмоилов**, фаррош **Гулжамол Тошматова**,

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси етакчи мутахассислари **Ситора Аширова** ва **Мадинахон Ҳикматова**,

Хоразм вилояти, Гурлан тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик конунчилигига риоя қилиниши назорати бўйича архитектор **Рустам Ражабов**, Қўшқўпир тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Фурқат Балтаев**,

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги "Рашид Обод Профессинал Бошқарув Компанияси" МЧЖ раҳбари **Абдувоҳид Норқулов**, Деҳқонбод туманидаги "Ишонч сервис" МЧЖ БСК раҳбари **Дилмурод Тошпўлатов**,

Навоий вилояти, Зарафшон шаҳридаги "ZAR FIDOKOR – 2022 BOSHQARUV SERVIS KOMPANIYASI" МЧЖ раҳбари **Куншигар Юсупбеков**,

Сурхондарё вилояти, Кумқўрғон туманидаги "Кумқўрғон уй-жой қурилиш БСК" МЧЖ раҳбари **Ментлибоев Ойбек**, Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги "Бўстон коммунал хизмат таъмир" МЧЖ БСК раҳбари **Ўткир Раҳмоналиев**,

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳридаги "NUR-CLASSIC-SERVIS" МЧЖ раҳбари **Нурмон Аноркулов**, Зангиота туманидаги "Семурғ нури" БСК раҳбари **Зокир Мусаев**,

Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар "Max Bunyodkor Boshqaruv servis" МЧЖ раҳбари **Мақсаджон Ҳасанов**,

Тошкент шаҳар, Юнусobod туманидаги "JK OAZIS" БСК раҳбари **Ғайрат Мўйинов**, Шайхонтохур туманидаги "Шайхонтохур ало сервис" БСК раҳбари **Козим Холтаев**ларни таваллуд қилиши билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

Ёшнинг фарахбахш кунларида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири **Батир Закиров** ўзининг **60 ёшлик қўтлуғ санасини** қарши олмақда.

Батир Ирқинович салкам 40 йилдан буён қурилиш соҳасида фаолият юритиб, юртимизнинг гуллаб-яшнаши, шаҳар ва туманларимизнинг янада кўркам бўлиши, қурилиш, коммунал хўжалиги соҳасининг ривожланиши йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги жамоаси Батир Закировни ана шу қўтлуғ сана билан самимий муборакбод этиб, у кишига сиҳат-саломатлик, куч-қувват, соҳа ривожини учун қилаётган эзгу ишларига муваффақиятлар тилайди.

## Янгича ёндашув афзалликлари

Ҳамза ШУКУРОВ, "Ўзбекистон бунёдкори" муҳбири.

Қатъий интизом бор жойда муваффақиятларга кенг йўл очилади. Қурилиш соҳасида аниқ техник ҳулосага асосланган бошқариш усулини жорий этиш ва соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши ўз самарасини кўрсатмоқда.

Хусусан, "Шаффоқ қурилиш" миллий ахборот тизимида янги инновацион техникалардан унумли фойдаланиш натижасида кўплаб қулайликлар яратаяпти. Бу усул бинокорлик йўналишидаги коррупция ва бюрократик тўсиқларга барҳам бериш, замонавий усулларни ўзлаштиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлаётди. Бундай янгича ёндашув самараси тендер савдолари ва танловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда яққол кўзга ташланыпти.

Самарқанд вилояти ҳудудида 2023 йилнинг шу даврига чашаффоқ электрон тендер платформаси орқали қурилиш объектлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун 332 та танлов савдолари ўтказилиб, уларда ўртача 5 тадан лойиҳа ташкилоти иштирок этган. Танлов савдоларида Президентимизнинг 465-қарори бўйича 73 та объект қўйилган. Уларнинг 33 тасини умумтаълим мактаблари, 24 тасини мактабга таълим ташкилотлари, 1 тасини олий таълим муассасаларидаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари ташкил этган. 6 та вазиятда қирғоқларни мустаҳкамлаш, 5 тасида ичимлик суви ва канализация тармоқларини қуриш, таъмирлаш, 3 тасида ирригация ҳамда мелиорация ишларига эътибор қаратилган. Яна бир ҳолатда автомобиль йўллари қуриш лойиҳаси муҳокама қилинган.

Шунингдек, "Ташаббусли бюджет" бўйича йил бошидан буён 218 та лойиҳа электрон тендер савдоларига қўйилган. Биргина "Менинг йўлим" лойиҳасидаги савдога қўйилган ишлар 22 тадан иборат бўлиб, бошқа дастурдагилар эса 19 тани ташкил этган.

– Вилоят ҳудудида манзилли дастурга киритилган ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун йил бошидан буён 205 та қурилиш объекти учун тендер савдолари ўтказилди, – деди вилоят танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази директори Сўхроб Гулямов. – Уларда ўртача 8 тадан қурилиш-пудрат ташкилоти иштирок этишди. Тендер савдоларига 72 та лойиҳа қўйилган. Шунингдек, ташаббусли ва бошқа дастурларга тегишли лойиҳалар бўйича ҳам тендер савдолари ўтказилмоқда.

Хуллас, тендер савдоларида эркинлик, очкилик ва ҳалоллик намоён бўляпти. Бу эса қурилишда кўзланган мақсад сари йўл очмоқда.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA  
**O'ZBEKISTON BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров (Тахрир ҳайъати раиси), Шерзод Хидоят, Давронжон Адилов, Жалол Арашов, Козим Туляганов, Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмоилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	<b>Дилшод Жалолов</b>
Бош муҳаррир ўринбосари	<b>Райҳона Ҳўжаева</b>
Саҳифаловчи	<b>Акмал Мақкамов</b>
Мусахҳих	<b>Марҳамат Мусулмонқулова</b>

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЫОDKОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Узсаноатқурилишматериаллари» уюмаси, «ЎЗГАСКЛИТИ» ДУК, «УзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.  
**Телефонлар:** 71-208-12-00 (қабулхона), 71-208-12-00 (таҳририят), 71-208-12-00 (бухгалтерия), 71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz  
**ҲУДУДЛАРДАГИ МУМБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**  
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.  
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.  
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.  
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.  
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.  
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.  
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.  
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.  
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.  
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.  
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.  
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-737. 1643 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Ҳўжаева. Навбатчи – А. Эгамбердиев.

Ўза якуни – 22.18. Топширилди – 22.45.

1 2 3 4 5 6  
Газетанинг навбатдаги сони 2023 йил 1 август кунини чиқади.